



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 16 июнь, № 118 (6301)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15 июнь куни Оқсаройда Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах ва Осиё миллий олимпия кўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, Ўзбекистон билан Халқаро олимпия кўмитаси ва Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил фикрлайдиган, кучли иродали, дунёқараши кенг авлод воёга етмоқда. Спорт таълим тизимининг узвий қисми сифатида ривожланмоқда. Ёшлар, хусусан, қизлар спортга кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади, унинг фаол аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси тuzилган ва 1993 йил сентябрда Халқаро олимпия кўмитасига аъзо бўлган. Мамлакатимиз ёзги ва қишки Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожидан муҳим аҳамият касб этишини,

ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Учрашувда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий асослари такомиллаштирилгани, жисмоний-соғломлаштириш машғулоти аҳоли ўртасида кенг оммалашгани, соҳани молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизими юксалгани, моддий-техник база мустаҳкамлангани қайд этилди. Мамлакатимизда барча техник ва услубий воситалар билан таъминланган, профессионал мурабийларга эга 80 дан

ортиқ спорт федерацияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан, энг чекка ҳудудларда 51 мингдан ортиқ спорт иншооти барпо этилган. Дунёнинг энг яхши спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари, спортнинг кўплаб турлари бўйича марказ ва секциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистонда таълим тизимида йўналтирилаётган йиллик давлат харажатлари дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни ушбу кўрсаткич давлат бюджетининг 35 фоизидан ошадди. Бу ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

2002 йилда ташкил этилган Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спортни кенг ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз спортчилари ушбу нуфузли мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Халқаро олимпия кўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

Ў.А.

Аяно АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

Бугун юртимиз таълим тизимида эришилаётган улкан муваффақиятлар, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг рағбатлантириб борилиши, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар, энг аввало, мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни воёга етказиш, уларга пухта билим беришга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Мамлакатимиз таълим тизими

халқаро талаблар даражасида ривожланмоқда

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса мазкур соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Умуман, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида таълим тизимида бекиёс ўзгаришлар амалга оширилди. Бу, энг аввало, ҳаётга татбиқ этилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ эти-

лаётгани билан боғлиқ. Фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, илгор ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, қисқача айтганда, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб воёга етказиш бугунги ислохотлардан кўзда тутилган пировард мақсаддир.

Мустақил юртимизнинг қисқа вақт ичида эришган ютуқ ва марралари, жумладан, жадал ривожланаётган иқтисодиёти, барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бугун халқаро жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Юксак ҳуқуқий маданият ифодаси

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республика-мизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларига нисбатан ҳамюртларимиз фикрини ўрганишга бағишланган социологик тадқиқот ўтказилди.

ИЖТИМОЙ ФИКР

Сўровда турли ёш ва касб, миллат ва эътиқод, маълумот эгалари иштирок этди. У фуқароларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан хабардорлик даражасини аниқлаш, соҳадаги чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятига баҳо бериш мақсадида ўтказилди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва либераллаштириш ҳуқуқий давлат барпо этишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Фуқаролик жамияти асосларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазасини таъминлаш ушбу жаҳани ислох қилишнинг асосий

вазифалари қаторидан жой олди. Таҳлилларга кўра, аҳолининг муғлак катта қисми бу борадаги чора-тадбирларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етарлича тушунади. Улар жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган мазкур ўзгаришларни тўла қўллаб-қувватлайди. Республикадаги 95,5 фоиз суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш давр талаби, демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарт, деб билади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ҳудудий дастурлар доирасида

434 та

янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар асосида ишга туширилган бу замонавий корхоналарнинг асосий қисми қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ва тикувчилик соҳаси, мебель ҳамда қоғоз саноати, кимё ва нефть-кимё саноати каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари улушига тўғри келди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН



Испания пойтахтида Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнлари ва суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мадридда давра суҳбати

Ўз атрофига Испаниянинг сиёсий, академик, эксперт ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жамлаган ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Унда қатнашчилар юртимиз суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг асосий йўналишлари ҳамда демократик ва фуқаролик институтларининг шаклланиши жараёнларига оид атрофлича маълумотлар билан танишди. Шу ўринда Президент Ислон

Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари концепциясидан кўзланган мақсад ва вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда мазкур концепциянинг изчил ҳаётга татбиқ этилиши туфайли мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, одил судловнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш юзасидан ислохотлар муваффақият билан амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалалари бўйича халқаро меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам фикр юритилди. Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокида давлати сифатида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли тизимларига мазкур ҳужжатлар ижроси тўғрисидаги миллий маърузаларни мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда.

Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг меҳнат аҳли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган конвенцияларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларида ХМТ билан ҳамкорлик борасида Ўзбекистоннинг сайёҳатлари тобора фаоллашиб бораётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Истеъдодли, интилувчан ва ташаббускор

Пойтахтимизда “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.

Айни кунларда мамлакатимиз худудларида Мустақилликимизнинг йигирма тўрт йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан қатор вазирилик ҳамда идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивали ҳам энг улуг ва энг азиз байрамни муносиб қаршилашда ёш авлод вакилларининг ўзига хос лойиҳасига айланди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройининг ёзги саҳнасида мазкур фестивалнинг якуний тадбирлари бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари, “Камолот” ЕИҲ фаоллари, санъаткорлар, ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Мухаммаджонова, Ташкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Турдиқулов ва бошқалар мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ ёш авлод-

нинг ҳар томонлама қилинган бўлиб воёга етишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш, қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари шакллантириш каби эзгу мақсадларга давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йилги ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Хусусий секторга кенг имконият

Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Шарафли касб, муқаддас бурч

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқаролар тинчлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали тизим яратилган. Унинг муҳим бўлини бўлган ички ишлар идоралари жамиятимиздаги барқарорликни, оқойишта ҳаётимизни асрашда салмоқли улуш қўшмоқда.

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Ички ишлар тизимини малака кадрлар билан тўлдириб, шахсий таркибни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ходимларнинг дунёқарашини юксалтириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шунга қўра, ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари — Академия, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида тингловчи ва курсантларга таълим-тарбия бериш ҳақи андозаларига мувофиқ олий борилаётди.

Ушбу олий таълим масканларининг навбатдаги битирувчилари — давлатимиз хавфсизлиги ва халқимиз оқолини таъминлашдек шарафли ҳамда мураккаб вазифани сийқидилган бажаришга аҳд қилган ёш офицерларга тантанали равишда дипломлар топширилди.

Жумладан, ички ишлар вазирлиги академиясида республикамиздаги олий таълим муассасаларини тамомлаб, ички ишлар органларида хизмат қилаётган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тергов хизмати тизимининг офицерлик лавозимларига тайинланган ходимлар учун касбий тайёрларлик ўқув йўлини ташкил этилган. Сержантлар тар-

кибини тайёрлаш олий курслари ўқув базасида йўлга қўйилган тахсил жараёнида офицерлар билим ва малакасини ошириш билан бирга, юқори даражада касбий, жисмоний тайёрларликдан ўтадилар.

Академияда мазкур ўқув йўлини битирувчиларга сертификатлар топшириш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг оила аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, академиядаги сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларини битирган мутахассислар бугунги кунда эл-юрт тинчлиги йўлида камарбасталик билан хизмат қилмоқда. Мазкур олий таълим муассасасида ҳар томонлама салоҳиятли кадрларни тайёрлаш учун барча шарт-шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги, ўқув ишлари илгор ахборот технологиялари асосида олиб борилаётгани, амалий машғулотлар криминалистика полигонлари, автомобиль йўллари ва йўл-транспорт ҳодисаларини ўрганиш учун мўлжалланган махсус ўқув

майдонларида юксак савияда ташкил этилаётгани ўз натижасини бермоқда.

— Ўқиш давомида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича билим-кўникмаларимизни мустаҳкамладик, — дейди битирувчи Жамшид Тўраев. — Бугун ҳар томонлама чинкиби, хизматга йўл олаётимиз. Мен ҳам хизмат фаолиятимда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Ватан ҳимояси — шарафли иш, жасорат ва муқаддас бурчдир. Буни теран англаган, тахсил давомида назария ва амалиётни мукамал эгаллаган, касбий кўникмаларни ўзлаштирган Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ёш офицерларининг битирувчи багирланган тадбир ҳам кенг жамоатчилик иштирокида ўтди.

Моддий-техник базаси замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ шакллантирилган мазкур билим юрти Ички ишлар вазирлиги қўшинлари тактик қўмондонлиги, тактиктарбиявий қўмондонлиги, жазони ўташ тартибини ташкиллаштириш, аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимлардан фойдаланиш техник муҳандислиги ҳамда вазирик муҳоналарида техникавий назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги бўйича салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаб бермоқда.

Таълим-тарбия ишлари илгор ахборот ва педагогик технологиялар асосида олиб борилаётди.

— Бугун ўғлимга мутахассислик ва лейтенантлик унвони дипломи топширилганини катта ҳаяжон билан кузатдим, қалбимда чексиз қувонч, гурур ҳиссини туйдим, — дейди Ҳадича Игамбулова. — Унинг ушбу билим юртига ўқишга кириб, ҳарбий касамед қабул қилган кунни кечагидек ёдимда. Энди ўғлим — офицер, билаг кучга, юраги шижоатга тўла. У ҳам сафдошлари сингарии ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилади.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар ҳаётини асрашдек эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда ёнги хавфсизлиги ходимларининг, соҳа муҳандисларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаб беришга мустақасаси ҳисобланади.

Беш йил давомида ушбу масканда таълим олиб, пухта касбий билим, кўникма ва жисмоний тайёрларликка эга бўлган навбатдаги битирувчиларга муҳандислик дипломи ҳамда офицерлик унвони берилди. Тадбирда ота-оналар, жамоатчилик вакиллари осмонимиз мусафоллигини, халқимиз тинчлигини асрашдек масъулиятли вазифани шараф билан удалашда битирувчиларга оқ йўл тиладилар.

Битирув тадбирларида Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамблининг концерт дастурлари намойиш этилди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдодли, интилувчан ва ташаббускор



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Мазкур фестивал мустақиллик йилларида эриш-тилган ютуқларни ёшларга ҳаётий ва аниқ мисоллар орқали тушунтириш, давлатимиз томонидан йигит-қизларга яратиб берилаётган имконият, шарт-шароитлардан самарали фойдаланишларига қўмақлашиш, иқтидорли ёшларнинг қобилиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди

“Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси вазифини бажарувчи М. Зуфаров. — Уч кун давом этган фестивал доирасида мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейларда “Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” лойиҳаси асосида спорт мусобақалари, “Камолот” кубоги” баҳслари, “Сиз севган қаҳрамонлар” мавзуда таниқли ижодкорлар, эстрада хонандалари билан учра-

Шу кун “Туркистон” саройи ҳовлисида “Ватан тараққийига менинг ҳиссам” шиори остидаги ёш тадбиркор ва хунармандлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Мамлакатимиз таълим тизими

халқаро талаблар даражасида ривожланмоқда

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мазкур Фармон ҳам юртимизда олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни бугунги кун талабларига мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давр ҳар жиҳатдан илдамламоқда. Янги-янги кашфиётлар яратилаётди, ноёб ишланмалар, инновациялар татбиқ этилаётгани, бу ҳар бир мутахассисдан кучли билимга эга бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана билишни тақозо қилмоқда. Шу маънода, олий таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим, айниқса, таълим муассасалари раҳбарлари, педагог кадрларнинг илгор билим ва кўникмага эга бўлиши ўта муҳим масаладир.

Фармонда олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қўнунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққийат ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнги ютуқларни чуқур ўрганиши алоҳида келтирилган. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг глобал интернет тармоғи, мультимедиа

тизимлари ва масофадан ўқитиш усуллари билан фойдаланган ҳолда, замонавий инновация педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши белгиланган. Бундай мезонларнинг барчаси мамлакатимизда билимни, дунёқарашини кенг ёшларни тарбиялаш, талабаларни энг истиқболли йўналишлардаги тадқиқотларга жалб қилиш учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Ушбу ҳужжатда белгиланганидек, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш Таянч олий ўқув юрталари зиммасига юклатилади. Яна бир жиҳати шундаки, ушбу курсларда машғулотлар сифат жиҳатидан юқори таълим ва профессионал даражада ўтказилади. Мухтасар айтганда, мазкур Фармон ижроси олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишда муҳим босқич бўлади.

Абдухалил МАВРУЛОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти проректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида травматология соҳасида илм-фан ва амалиётда эришилаётган натижалар ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда соҳада янги даволаш усуллари жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган илмий лойиҳалар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида электрон муҳожат тизимини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди.

● “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллари” уюшмаси Хоразм вилояти филиалида оилани қўллаб-қувватлаш хизматларини ривожлантиришда маҳалли ва халқаро тажриба мавзуда семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоятининг Ургут туманида инвестиция дастури асосида барпо этилган туғуқ мажмуаси ва кўп тармоқли марказий поликлиника бинolari фойдаланишга топширилди.

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Одам савдоси — давр муаммоси” мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Анжуман давомида намойиш қилинган одам савдоси жабрдийдаларининг тақдир ҳақидаги видеофильм ёшларда катта таассурот қолдири.

● Жиззахда бўлиб ўтган “Санъат мактаби” республика телевизион фестивалининг вилоят босқичида 100 га яқин ёш ижрочи эстрада хонандалари, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, чолғу ижрочилиги, рақс санъати бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юксак ҳуқуқий маданият ифодаси

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарали рўйбга чиқарилаётгани, унинг ҳаётий натижалари кўзга яққол ташланаётганидан далолат бериб турибди. Булар қўнунчиликни тақомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахслар мувожаатлари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва қўнунга итоаткорлиги тўғрисидаги ўзгаришлар, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти, хавфсиз ҳаёт тарзини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини ҳамда бошқа кўплаб йўналишларда яққол намён бўлаётгани.

Фуқароларнинг ақсарияти (96,8 фоизи) Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси бекор қилингани, “Хабас корпус” институтини қўллаш соҳаси кенгайти-

рилганини, илгаридегидек, тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Зеро, бу эзгу савий-харакатлар мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва унга инсонпарварлик фазилатларини кенг татбиқ этиш йўлидаги ислохотлар изчиллиги, шахс ҳуқуқи ва эркинлиги дахлсизлиги тамойилига риоя этилаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Аҳоли ўртасида “ҳуқуқий демократик давлатда яшаётган инсон мунайим ҳуқуқий билимлар ва фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши керак”, деган тушулча кучайиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Ўрганишларга қараганда, юртимизда ҳуқуқий таълим ва мустақил ўқиб, билим ортиришга бўлган қизиқиш кучайиб бораётди. Респондентлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-

жатларни билиш зарур, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотларда фуқароларнинг мунтазам катта қисми қўнунларни бузмасликка интилишга бўлган қатъий тенденция кузатилаётгани қайд этилди. Уларнинг қарийб 83 фоизи ўзларини қўнунга итоаткор, деб билди. Жавоб берганларнинг кўпчилиги (88,6 фоизи) эътироф этишича, хамюртларимизда қўнунийликка амал қилиш даражаси охириги йилларда ўсган.

Тадқиқот қатнашчиларининг қарийб 90 фоизи томонидан суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш даврида жамият ҳаётининг барча жабҳаси, хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган органлар ишида салмоқли, муҳим барқарор натижаларга эришилган, дея таъкидлаб ўтди. Яъни ушбу муваффақиятларнинг демократик принципларга уйғун-

лиги жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда. Респондентларнинг фикрича, бу ҳар бир фуқарога қўнун устуворлиги шароитида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини беради. Фуқароларнинг қарийб 93 фоизи ўз фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликларини бузилиши ҳамда чеклаб қўйилишидан тўлиқ ҳуқуқий ҳимояланган, деб ҳисоблайди.

Қисқача айтганда, ижтимоий сўров яқунлари истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизими шакллантирилган, қўнун устуворлиги тамойиллари мустаҳкамлангани яна бир бор намойиш этди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда демократик, ижтимоий йўналтирилган ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдан манфаатдорлик руҳида амалга оширилаётган ислохотлар сифатида самараларининг ёрқин инъикосидир.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.

Мадридда давра суҳбати



◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Юқоридегилардан ташқари, профессионал асосда фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентнинг тузилгани, сиёсий партияларнинг роли кучайгани, фуқаролик жамияти ва нодавлат ноҳуқумат ташкилотлари институтларининг фаолият кўламлари кенгайгани, оммавий ахборот воситалари мустақиллиги мустаҳкамлангани ўзбек жамиятининг сиёсий модернизациялашуви ва демократлашуви асосий кўрсаткичлар сифатида хизмат қилаётгани ҳам тадбир чоғида қайд этилди.

— Бугунги давра суҳбати давомида Ўзбекистондаги суд тизимининг ривожланиши ҳамда сиёсий модернизациялашуви жараёнини тўғрисидаги жуда муҳим маълумотларга эга бўлди, — деди “Паневропа иттифоқи” ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг Ёшлар кўмитаси раиси Карлос Уриарте “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида. — Биз мамлакатингизнинг янги демократик тизимга ўтиш бора-бора салмоқли муваффақиятларни қўлга киритаётганини кўриб турибмиз. Шу ўринда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан мамлакатингизда сезиларли тараққийга эришилганини таъкидлашни истар эдим.

— Ўзбекистон мустақил, демократик ва барқарор давлатни барпо этиш томон жиддий кадам ташлаган, — деди Мадрид автоном университети профессори, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт Александр Лорка. — Мамлакатингизда сиёсий барқарорлик мавжуд эканлигини алоҳида қайд этишни истар эдим. Бу ўзбек жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жабҳаларида ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш учун зарур бўлган барча шароитни яратиб бермоқда.

— Мен тадқиқотчилик ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш билан шуғулланадиган ташкилотнинг вакили сифатида мамлакатингиздаги иқтисодий ривожланиш сураатлари катта эътибор ва ҳурматга лойиқ эканлигини таъкидлашни истар эдим, — деди Испаниядаги “СУТСА” ташкилоти вакили Иньес Гонсалес. — Бугун бўлиб ўтган давра суҳбати бизларга Ўзбекистонда эришилган ижобий ўзгаришларнинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари ҳақидаги зарур маълумотлар билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратди. Мамлакатингиз бундан кейин ҳам янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишига тилақдошман.

«Жаҳон» АА. Мадрид

Мониторинг натижалари таҳлили

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёҳуд эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ёҳуд табақавий, бошқа шароитидан қатъи назар, барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши шарт экани белгилаб қўйилган.

Бу имконият чекланган шахсларга ҳам бевосита ва тўла таллуқли бўлиб, мамлакатимизда унинг ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли манфаатларини таъминлаш, айниқса, имконияти чекланган инсонларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қўмақлашиш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлмоқда. БМТнинг “Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси 2009 йилда мамлакатимиз томонидан ратификация қилиниши ноғирон-

ларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Пойтахтимизда ноғиронларнинг транспорт хизматлари фойдаланиш ҳуқуқлари мониторинг натижаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди.

ТАДБИР

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда таъкидланганидек, юртимизда имконияти чекланган инсонларнинг бошқарилган билан тенг равишда меҳнат қилиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар илчил рўйбга чиқарилмоқда. Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ҳамда қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда уларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинганлиги диққатга сазовор.

Давра суҳбати иштирокчилари

этиборига ноғиронларнинг транспорт хизматлари фойдаланиш ҳуқуқлари қай даражада таъминланаётгани юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари ҳавола этилди.

— Тошкент шаҳрида, хусусан, транспорт ва транспорт бекатларида ноғиронлар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилганида, бу борада айрим камчиликлар, муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди, — дейди Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти раиси Уринбосари Ойбек Исоқов. — Мисол учун, пойтахтимизда қатнови йўлга қўйилган замонавий русумдаги автобуслар ноғиронлар учун қулай ускуналар билан жиҳозланган бўлса-да, бундан етарлича фойдаланилмаётди. Бекатларнинг бир қисми эса ноғиронлар учун мослаштирилмаган. Мазкур камчиликларни бартараф этиш, бунинг учун жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, жойларда тарғибот ишларини олиб бориш мақсада мувофиқдир.

Тадбирда ноғиронлар учун транспорт хизмати тизимини яхшилаш бўйича муҳокама этилган масалалар юзасидан тақийф ва тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодийлик ривожда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қанчалик муҳим аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён.

Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашига йўл қўйилмайди

Бу мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида амалга оширилётган ислохотларнинг амалий самараси, албатта, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса ана шундай эзгу мақсад йўлидаги навбатдаги муҳим ҳужжат бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.

Масалан, Фармонга мувофиқ, ҳўжалик юритувчи субъектларда режали текширишлар даврийлиги ва муддатлари, кўзгатишган жинойишлар бўйича текширишлар ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Барча назорат органлари учун режали текширишлар даврийлиги бир хиллаштирилди, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб улар томонидан микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжаликларидан режали текширишлар кўпи билан 4 йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса 3 йилда бир марта Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республи-

ка Кенгаши қарори асосида амалга оширилиши ана шулар жумласидандир. Маълумки, илгари режали текширишларни ўтказиш даврийлиги бўйича шундай тартиб фақат тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳўжалик фаолияти бўйича текширишлар учун мав-

жа ҳўжатларни ўрганишни талаб этмайдиган режали текширишлар муддати 10 календар кунидан ошмаслиги белгиланди. Мазкур меъёр ҳам режали текширишлар ўтказиш даврида тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежас баробарида, молиявий ҳўжалик фаолияти

давр қамраб олиниши аниқ кўрсатиб қўйилди. Адолатлилик принципини таъминлаш мақсадида кўзгатишган жинойишлар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги текширишларда адвокатнинг мажбурий иштирок этиши жорий қилинган эса (ҳўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) текшириш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди.

Хозирги кунда ушбу ҳўжат ижроси доирасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши тасдиқлаган 2015 йил текширишлар режа-жадвалининг июль — декабрь ойларига тааллуқли қисми қайта қўриб чиқилиб, тегишлича охириги режали текширишларга 3 ва 4 йил тўлмаган субъектларни режа-жадвалдан чиқариш, шунингдек, қабул қилинган янги меъёрлар асосида текширишларни тартибга солишга оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, солиқ органлари ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаши, шўбҳасиз.

Эркин ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг
бошқарма бошлиғи.

ЖАХОН
24 СОАТ ИЧИДА
Португалия банки мамлакат иқтисодиётининг келгуси уч йил ичидаги ўсишига оид прогнозларини эълон қилди.

Келгуси уч йил учун тахмин

Унга кўра, жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,7 фоиз ошади. 2016 ва 2017 йилларда тегишли равишда 1,9 ҳамда 2 фоиз ўсишга эришилиши кутилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, шу йилнинг январь — март ойларида Португалияда ЯИМ ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 фоиз ўсган.

Зарар миқдори маълум

Япониянинг "Honda Motor" компанияси автомобиллариға ўрнатилган хавфсизлик тизимида нуқсонлар аниқланган боис дунё бўйича сотилган миллионлаб машиналарни қайтариб олишга мажбур бўлган эди. Бу ҳақда кўп марта хабар тарқатилган.

Компаниянинг шундай аҳволга тушиб қолиши "Takata" фирмаси томонидан етказиб берилган хавфсизлик ёстиқчаларининг яхши ишламагани билан боғлиқ. "Honda Motor" компанияси ушбу машинани туфайли қўрилган зарар миқдорини илк бор оммага маълум қилди. "Евроньюс" телеканалда айтилишича, унинг ҳажми 45 миллиард иена (324 миллион евродан ортиқ)га тенг.



"Takata" маҳсулотларидаги камчилик боис 2008 йилдан бундан берига АҚШ бозоридан турли компанияларга тегишли 34 миллион дона автоулов қайтариб юборилган.

Танкер ғойиб бўлди

Жануби-Хитой денгизида 6 минг тонна бензин олиб кетаётган танкер йўқолди.

Сув транспорти востасида 22 нафар экипаж аъзоси бўлган. Улар Малайзия, Индонезия ҳамда Мьянма давлати фуқароларидир. Айни пайтда худудда кенг қамровли қидирув олиб бориляпти. Бу ишга Малайзия ҳарбий-денгиз кучлари ва соҳил қўриқлаш хизмати вакиллари жалб этилган.

Халқаро денгиз бюросининг таҳминига кўра, танкер қароқчилар ҳужумига учраган бўлиши мумкин.



Сабаби ўрганилмоқда

АҚШнинг Куэро шаҳри (Техас штати)даги газ қувирида кучли портлаш рўй берди.

Натижада ёнган келиб чиқди. Шу боис мазкур худудга яқин жойда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари зудлик билан эвакуация қилинди. Шаҳар маъмурияти ва ҳуқуқ тартибот идоралари вакиллари портлаш сабабини ўрганишмоқда.



Онлайн-радио

"Apple" компанияси ўзининг муסיқий сервиси имкониятларини таништирди.

"Music" дея номланган мазкур лойиҳа "онлайн-радио" сифатида фаолият кўрсатади. У тақдим этадиган муסיқалар махсус экспертлар томонидан сараланади. Ўзтиборлиши, ушбу сервис хизматидан нафақат "Apple" қўрилмаларига эга бўлганлар, балки "Android" ва "Windows" тизимида ишлайдиган алоқа восталари соҳиблари ҳам бемалол фойдалана оладилар. Сервис пуллик. Аммо дастлабки уч ойда ундан фойдаланиш текин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

«КОР ТАРМОҚИ ҚО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

● Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2014 йил 22 январдаги 6572/26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хувайдо кўчасида жойлашган, умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4 та, ёрданчи иншоотлар сони 6 та, қурилиш ости майдони 156,01 кв.м., фойдаланиш майдони 86,16 кв.м. бўлган 21-уй тураржой (ҳовли) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2015 йил 16 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 16 июндаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тансиқбоев 2-мавзеси, 3-«В» уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат савдо дўкони тақоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 276 646 397 сўм.
Аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашни истагидида талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Кор тармоқи қо'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидида талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.
Хизматлар лицензияланган.

Ҳам тежамкор, ҳам экологик хавфсиз

Ўзбекистонга бирор марта бўлса ҳам келган инсон борки, унинг саҳий ва меҳмондўст диёришимиз ҳақидаги энг ёрқин таассуротлари миллий таомларимиз, айниқса паловхонтуранинг бетакор таъми билан боғлиқ. Паловимизнинг шўхрати бутун дунёга тарқалган. Тўғри, бошқа давлатларда ўзбекча ошни барча қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда тайёрлаб ҳам қўришган. Аммо мазасини татиб қўрганларнинг айтишича, у ҳақиқий паловини фақат эслатади, ҳолос. Чунки палов пишириш учун тегишли масалликлар ва ошпаз маҳорати кифоя қилмайди. Энг асосий икки шарт — қозон ва ўчоқ мавжуддигидир.

Ўзбек миллий таомларига қизиқининг ортиши билан кўпгина мамлакатларда алоҳида рестороанлар очилди. Табиийки, қозонга бўлган эҳтиёж ҳам орди. Вақт ўтган сари эса ўчоқ муаммоси пайдо бўлди. Аввалгига қозон тағидаги ўчоқда ўтин ё кўмирни ёқиб ошни бемалол тайёрлашга ўрганишди. Лекин... бир неча йилдан сўнг яна «лекинлар» келиб чиқди. Ахир ўтин ва кўмирни сотиб олиш, уларни сақлаш, айниқса, катта шаҳарларда бу ишлар анча ташвиш туғдиради. Бунинг устига, ўчоқдаги оловдан чиқадиган тўтун нафақат теварак-атрофини ифлослантиради, балки яқин қўшниларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлади. Шундай қилиб, кўп қаватли уйлар атрофида кўмир ёки ўтин ёқиб овқат пишириш тақиқланди ҳатто. Ҳўш, масаланинг ечими қаерда?

Юзага келган вазиятдан самарали чиқиш йўлини «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси таклиф этди. Бугунги кунда бу ерда ўз бизнесини умумий овқатланиш соҳаси билан боғлаган тадбиркорлар учун бир неча турдаги «ПГС-029» электр ўчоқлари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, «ПГС-029Б» ўчоғи 80 литрли қозонга мўлжалланган бўлиб, 200-220 кишилик паловни пишириш имконини беради. Мабодо кимгадир 80-85 киши учун 30 литрли қозонда ош пишириш кифоя қиладиган бўлса, унга «ПГС-029С» ўчоғи тўғри теварак-атрофини ифлослантиради, балки яқин қўшниларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлади. Шундай қилиб, кўп қаватли уйлар атрофида кўмир ёки ўтин ёқиб овқат пишириш тақиқланди ҳатто. Ҳўш, масаланинг ечими қаерда?



Электр ўчоқларнинг одатдагилардан афзаллиги шундаки, уларни тўтун чиқаришдан хавотирланмай, бемалол ошхона ичига ўрнатиш мумкин. Ўтин ё кўмир захирасини тайёрлаб қўйиш, уларни сақлаш учун алоҳида жой ажратишга ҳам ҳоҷат қолмайди. Яна ўз-ўзини тез қоплашини айтинг! Масалан, «ПГС-029Б» электр ўчоғини олишга кетган маблағ икки кундаёқ ўзингизга қайтади. Харажатлар ўрни бунчалик тез тўлдирилишига бошқа мисол келтириш ҳам амри маҳол. Агар фойдаланилган электр энергияси микдорини ўтин ва кўмир нархи билан солиштирсак, тежамкорлик янада ойдинлашади. Бунинг устига, «ПГС» электр ўчоқларига патент олинган ва улар сифат сертификатига эга.

Тўғри, тажрибали ошпазларнинг айрим мулоҳазалари бўлиши мумкин. Масалан: «Тутун ҳиди

йўқлиги — яхши, ўтин-кўмир гамини ейиш шарт эмас — бу ҳам аъло, тежамкорлик ва катта фойда олиш — жуда зўр. Бироқ паловнинг худди чинакам оловда тайёрланганидек мазали бўлиши учун иссиқликни керагича ўзгартириб туриш зарурати-чи? Бўёғи қандай бўлади?»

Хавотирга сира ўрин йўқ! Электр ўчоқда ҳароратни 50 даражадан 250 даражагача кўтариб-пасайтириш имкони бор. Унда ҳосил қилинаётган иссиқлик энергиясининг 95 фоизи таом тайёрлаш учун сарфланади, бу эса ўтин ё кўмир ёқилган оловдан оддий ўчоқларга нисбатан анча кўпдир.

Козонни бир неча дақиқа ичидаёқ қизитиб олиш мумкин. Иситувчи элементлар сополдан қилинган ҳам жуда муҳим бўлиб, бу унинг техник ва ёнғиндан хавфсизлигини оширади.

Электр ўчоқда иxtирочилари ошпазлар ҳақидаям қайғуришган. Гап шундаки, ошпаз очик олов ёнида ишлаганида, оддий ўчоқдан юқори ҳароратнинг тарқалиши унинг организмга салбий таъсир кўрсатади ва кейинчалик оёқ оғриғи билан кечувчи касб касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Электр ўчоқнинг икки қаватли девори эса ошпазни иссиқлик таъсиридан асрайди ва ўз навбатида хавфсизлигини, саломатлигини таъминлайди.

Демак, электр ўчоқ биз ўрганиб қолган ўчоқлардан асло қолишмайди, балки айрим жиҳатлари билан улардан, ҳатто, афзал. Буни «ПГС» ўчоқларида ишлашни бошлаган ошпазлар ҳам тасдиқлашмоқда. Улар пиширган палов — ҳақиқий! Кўп гапиргандан кўра, татиб кўрган маъқул. Ўқимли иштаҳа!

Маҳсулот сертификатланган.



8678/12

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2015 йил 16 июль куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Кўхунур кўчаси, 40-уйда жойлашган, «Асака» ДАТБ Тошкент вилоти филиали балансидаги, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/980JAA бўлган «Nexia SONC» русумли автотранспорт востаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.

● Аукцион савдосига Тошкент вилоти, Зангиота тумани, «Юнусобод» қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қозғ фабрикаси балансидаги қўйидаги усқуналар қўйилмоқда:

— 1993 йилда ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқариш қуввати 750 кг/соат бўлган «АП-18» русумли автоматик қувватлантиргич.

Бошланғич баҳоси — 7 340 051 сўм.

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, 83 м³/минут ҳаво ишлаб чиқарувчи «Диклон» русумли усқуна.

Бошланғич баҳоси — 1 607 297 сўм.

— 2002 йилда ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқариш қуввати 600 кг/соат, 16,1 кВт бўлган, вентиляторсиз «FVKZ FAN» русумли юқори тезликдаги тозаловчи.

Бошланғич баҳоси — 2 295 775 сўм.

Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун бошланғич баҳонинг камид 20 фоизи миқдоридаги зақалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси қоиблига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатиларди.

Мазкур мол-мулклар юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмай қолган тақдирда, тақририй аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва куйидаги манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Мировоб тумани, Амир Темуր шохқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа восталари:
тел./факс: (0-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, шаҳар марказий қўчалардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлашга иxtисослаштирилган бошқарманинг 2015 йил 10 июндаги 06/367-сонли хатига асосан, давлат рақами 01/281РВА бўлган «ГАЗ-3102»; давлат рақамлари 01/412РВА, 01/413РВА, 01/415РВА, 01/517РВА, 01/518РВА бўлган 5 та «ДЭУ ПУ» русумли автототранспорт восталари ҳамда давлат рақами 24-16 ЕД бўлган «ТТЗ-100К-10» русумли трактор техникаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲЎЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳўжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибдорликка ва саноат соҳасида таътиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Коратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси академиянинг иқтисодиёт бўйича проректори **Уракбай Маълянович ЭСАНОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

